

## ҚОРАКҮЛ ЗОТЛИ ҚҮЧҚОРЧАЛАРИНИНГ ГҮШТ-ЁҒ МАҲСУЛДОРЛИГИ

Базарова Д.С

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва  
биотехнологиялар университети магистранти,

Кличев З.С

қ.х.ф.ф.д (PhD) Қоракүлчиллик ва чўл экологияси илмий тадқиқот  
институти.

**Аннотация:** Мақолада қоракүл қўчқорчаларни бўрдоқилаб боқишидан кейинги 8 ойлик даврида гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ўрганиш натижалари келтирилган.

**Калит сўзлар:** қоракүл зотли қўчқорчалар, сўйим олди тирик вазни, нимта вазни, ички ёғи, думба ёғи, сўйим вазни, сўйим чиқими.

**Кириш.** Қўйларни гўшт етиштириш мақсадида урчишишнинг жаҳон тажрибаларининг кўрсатишича, соҳа рентабеллиги ва рақобатбардошлигини ошириш учун қўйларнинг гўшт – ёғ маҳсулдорлик имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш зарур. Соҳада гўшт йўналишига ихтисослашганликни таъминлаш мақсадида, турли маҳсулдорлик йўналишлардаги қўйларда бир хил бўлмаган, юқори даражада гўштдорлик ҳусусиятларини намоён этувчи қўй зотларидан фойдаланиш зарур. [1; 186 б] аниқлашича, Ўрта Осиёда урчилиувчи думбали ва қоракүл зотли қўйлари гўшт - ёғ маҳсулдорлиги билан ажralиб туради. Энг юқори гўшт – ёғ маҳсулдорлик кўрсаткичлари думбали қўй зотларига хос ҳисобланади. Думбали қўй зотларининг қўзилари тез етилувчанлик, самарадорлик ва озуқанинг маҳсулотга айланишининг камхаржлиги (озуқанинг юқори даражада ҳазмланиши), турли ёш даврларида фойдаланиш мумкинлигини гўштдорликни шаклланишининг юқори даражаси ва бошқа ҳусусиятлари билан ажralиб туради. Қоракүл зотли қўчқорчалардан ҳам ҳаётининг дастлабки йилларида гўшт – ёғ маҳсулдорлигидан унумли фойдаланиш соҳа ривожи учун самарали тармоқлардан бири ҳисобланади.

[2; 84 б] ҳайвонларнинг ўсиш ва ривожланишини бошқаришнинг илмий асосларини, гўштдорликнинг шаклланиш қонуниятларини ишлаб чиқиш ва улар асосида қўзи гўшти етиштиришнинг самарали технологияларини яратиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Кўплаб тадқиқотларда аниқланишича, қўйларнинг туғилганидан 18 ойликкача бўлган ўсиш ва ривожланиши тўрт даврга ажратиш мумкин: биринчи давр – туғилганидан онасидан ажратилгунча (4,5 ой) энг юқори ўсиш ва ривожланиши билан характерланади; иккинчи давр (5-6 ой) – ўсишнинг секинлашуви; учинчи давр (7-13 ой) – ўсишнинг тўхташи ёки пасайиши ва

якунловчи давр (14-18 ой)- ўсишнинг тикланиши, гўштдорликнинг шаклланиши ва думбада тўпланиши билан тавсифланади.

Қўзилар ҳаётининг илк даврида тўқима ва айрим органларининг тирик вазн ўсиш бирлигига тўйимли моддаларни минимал сарфлаш ҳисобига юқори ўсиш ва ривожланиш энергияси кузатилади.

[3; 304 б] ўз тадқиқотларида аниқлашларича, янги туғилган қўзилар 13 кундан кейин ўз вазнини икки баробарга, кейинги 17 кунда 4 баробарга ва ундан кейинги 28 кунда 7 мартағача оширади.

[4; 10 б] таъкидлашича, ўрта ҳисобда онасидан ажратиш даврида (4,5 ойликда) қўчкорчаларнинг ўртача тирик вазни ҳисори зотида 40-45 кг, тожик зотида 38-42 кг, эдилбой зотида 38-40 кг, жайдари зотида 32-34 кг, қоракўл зотида 25-30 кг ни ташкил этади. Бу ёшда қўйларнинг зоти, сўйим олди тирик вазни ва семизлик даражасига боғлиқ ҳолда уларнинг сўйим чиқими 48-58 фоизни ташкил этади.

**Тадқиқот манзили ва услублари:** Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги "Жарқудук яйловлари" фермер хўжалиги шароитида қоракўл зотли қўчкорчаларининг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ўрганиш ишлари олиб борилди.

**Тадқиқотдан олинган натижалар.** Олиб борилган тадқиқотларнинг кўрсатишича яйлов шароитида сақланган тажриба ва назорат қоракўл қўчкорчаларини 60 кун бўрдоқилангандан кейинги (8 ойлик) даврида сўйим олди вазни бир-биридан фарқ қиласди. Шунга кўра, тажриба гуруҳидаги қўчкорчаларнинг назорат гуруҳидаги қўчкорчаларига нисбатан 12,0 кг ёки 34,5 фоизга устунлиги аниқланган. Худди шундай тафовут нимта вазни бўйича ҳам кузатилди. Тажриба қўчкорчаларнинг нимта вазни назорат қўзиларнидан 6,0 кг ёки 48 фоиз оғироқ бўлиши қайд этилди. Худди шундай ички ёғлар 0,5 кг га ёки 83 фоизга, думба ёғи эса 0,8 ёки 50 фоизга фарқланишлар кузатилди. Тажриба қўчкорчаларининг думба ёғи вазни 1,6 кг ни ташкил этди.

Тажриба гуруҳидаги қўчкорчаларини бўрдоқилаш жараёнида қўшимча озиқлантириш тирик вазнининг ортиши билан бирга, сўйим сифатларининг яхшиланишига ҳам олиб келди (1-жадвал).

### 1- жадвал

#### Қўчкорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлиги, (n=3 бош)

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги.	Тажриба гуруҳи	Назорат гуруҳи
Сўйим олди тирик вазни	кг	46,7	34,7
Нимта вазни	кг	18,5	12,5
Тирик вазнига нисбатан	%	39,6	36,0

Ички ёғ	кг	1,1	0,6
Тирик вазнига нисбатан	%	2,3	1,7
Думба ёғи	кг	1,6	0,8
Тирик вазнига нисбатан	%	3,4	2,3
Сўйим вазни	кг	21,2	13,9
Сўйим чиқими	%	45,3	40,0

Тажриба ва назорат гуруҳидаги қўчқорчаларнинг сўйим вазни ўз ўрнида 21,2 ва 13,9 кгни ташкил этди. Нимтанинг ёғ билан сўйим чиқими бўйича энг юқори кўрсаткич тажриба қўчқорчаларда (45,3 фоиз) кузатилиб, назорат қўчқорчаларидан 5,3 фоизга устунлик қилди.

Тажриба гуруҳидаги қўчқорчалар гўшти ва ёғининг сўйим вазни 21,2 кг бўлиб, назорат гуруҳидаги қўчқорчаларга қараганда 7,3 килограммга юқорилиги қайд этилди. Юқори сўйим чиқими тажриба гуруҳидаги қўчқорчаларида кузатилиб, 45,3 фоизни ташкил этгани ҳолда, назорат қўчқорчаларидан 5,3 фоизга устунлик қилгани аниқланди. Юқори сўйим олди тирик вазн кўрсаткичлари тажриба гуруҳидаги қўчқорчаларида кузатилган бўлиб, 46,7 кг ни ташкил этиб, назорат қўчқорчаларни 12,0 кг га ортда қолдиргани аниқланди.

**Хуноса.** Шундай қилиб, қўчқорчаларнинг гўшт-ёғ маҳсулдорлигини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, қўзилар 60 кун бўрдоқилаб боқилгандан кейинги 8 ойлик даврларда турли сўйим олди тайёргарлик технологиялари қўлланилганда энг яхши гўшт-ёғ маҳсулдорлиги тажриба гуруҳидаги қўчқорчаларда кузатилди.

Бу эса қўчқорчаларни 8 ойлик ёшига қадар 60 кунлик бўрдоқилаш хўжалик юритувчи субъектлар учун гўшт етиширишда самарали усуслардан бири эканлигини кўрсатади.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Амиров А.К. Мясо - сальная продуктивность овец Узбекистана. Ташкент, Мехнат. 1985. 186 стр.
2. Абдузоирова Д.Ю. Тоғолди ҳудудларида ҳар хил генотипли қўйларнинг гўшт маҳсулдорлиги. Самарқанд -2022. 84 бет
3. Ерохин А.И. и др. Интенсификация производства и повышение качества мяса овец. М. 2015. 304 стр.
4. Салаев Б.К. Биологические особенности и технологические приемы повышения продуктивности курдючных овец Калмыкии. Автореф. Дисс. Докт.биол.наук. Москва, 2018. 10 стр.